

657
M-37

34:336 □

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Handwritten signature and initials

Қ А Р О Р И

5 . феврал 1999 й. г. № 54 Тошкент ш. — г. Тошкент

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ ҳамда даромадлар ва харажатларни бухгалтерияда ҳисобга олишининг ягона услубиётини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда:

меъёранадиган харажатлар нормативларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга шарҳни ишлаб чиқсин ва эълон қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда кўрсатиб утилган Низомнинг солиқ солишнинг содда-лашштирилган шаклини қўлловчи кичик корхоналар ҳамда юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан қўлланилиши буйича йуриқномани ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив ҳужжатларининг қайта куриб чиқилишини ҳамда мазкур

TEAI KUTUBXONASI
№ 360249

қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар уз кучини йукотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи туғри-сидаги Низомни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоботи счё-лари тизимини такомиллантириш ҳақида 1994 йил 26 мартдаги 164-сон қарорининг 1,2 ва 3-бандлари (Ўзбекистон Республика-си ҚТ, 1994 йил, 3-сон, 19-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сон қарорига узгартиришлар киритиш туғрисида” 1995 йил 18 декабрдаги 461-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 йил, 12-сон, 48-модда).

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош ва-зирнинг уринбосари Б.С. Хамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг

Раиси

И. Каримов

Вазирлар Маҳкамасининг
1999 йил 5 февралдаги 54-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва
сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий
натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида.

НИЗОМ

Умумий қоидалар

Мазкур Низом хужалик юритувчи субъектлар-юримдик шахсларнинг, шунингдек юримдик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди.

Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ, солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Хужалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) хужалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

Низомда харажатларни гуруҳлаш ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий қоидалари мавжуддир.

1-иловада ҳисобот давридаги соф фойдани ҳисоблаб чиқишда корхона даромадларидан чиқариб ташланадиган, бироқ солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ, даромад (фойда)дан олинган солиқни ҳисоблаб чиқишда хужалик юритувчи субъектнинг солиқ солинадиган базасига киритиладиган харажатлар моддалари келтирилган.

2-иловада улар пайдо бўлган пайтда солиқ солинадиган база-

дан чиқариб ташланмайдиган, бироқ кейинги ёки анча кейинги даврларда (вақтдаги тафовут) чиқариб ташланадиган харажатлар руйхати бериледи.

Мазкур Низом асосида айрим тармоқлар харажатлари таркиби ва уларни ҳисобга олиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан аниқланади.

А. Молиявий натижаларни шакллантириш

Низомда келтирилган харажатлар таснифи энг аввало бухгалтерия ҳисобида харажатларни тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тузиш учун унинг фаолияти молиявий натижаларини (фойда ёки зарарни) аниқлашга йўналтирилгандир.

Хужалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

- маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$ЯФ = ССТ - ИТ$.

бунда,

ЯФ - ялпи фойда;

ССТ- сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

- асосий фаолиятдан курилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут, ва плус асосий фаолиятдан курилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$,

бунда,

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ-давр харажатлари;

БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ-асосий фаолиятдан курилган бошқа зарарлар;

- хужалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар), бу асо-

сий фаолиятдан олинган фойда суммаси плус молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ,$$

бунда,

УФ - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

МД — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

- солиқ тулангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда плус фавқулдда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

$$СТФ = УФ + ФП - ФЗ,$$

бунда,

СТФ - солиқ тулангунгача олинган фойда;

ФП - фавқулдда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ - фавқулдда вазиятлардан кўрилган зарар;

- йилнинг соф фойдаси, у солиқ тулангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, узида даромад (фойда)дан, туланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва туловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тулангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФ - ДС - БС,$$

бунда,

СФ - соф фойда;

ДС - даромад (фойда)дан туланадиган солиқ;

БС - бошқа солиқлар ва туловлар.

Б. Хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар рўйхати

Мазкур Низомга мувофиқ маҳсулот -(ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатлари рўйхати:

хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлилигини аниқлаш учун маҳсулот (ишлар,

хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хужалик юритувчи субъектда пайдо буладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби счётларида тулиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши;

солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида белгиланади. Мазкур Низомга мувофиқ барча харажатлар куйидагиларга гуруҳланади:

маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга булган устама харажатлар;

ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар;

- а) сотиш харажатлари;
- б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);
- в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

хужалик юритувчи, субъектнинг умумхужалик, фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган хужалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти буйича харажатлари:

- а) фонзлар буйича харажатлар;
- б) хорижий валюта билан операция буйича салбий курс тафовутлари;
- в) кимматли коғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- г) молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар;

фавқулodда зарарлар, у даромад (фойда)дан олинадиган солиқ тулангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан

боғлиқ булган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга булган устама харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил килувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кура қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

ишлаб чиқариш хусусиятига эга булган меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари;

ишлаб чиқаришга тегишли булган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга булган номоддий активлар амортизацияси;

ишлаб чиқариш аҳамиятига эга булган бошқа харажатлар.

1.1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ, моддий харажатларга қуйидагилар тегишли бўлади:

1.1.1. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олиннадиган хом ашё ва материаллар.

1.1.2. Нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментлар, мосламалар, инвентар, приборлар лаборатория асбоб-ускуналари ва асосий фондларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг эскириши, маҳсус кийим-бош ва бошқа арзонбаҳо ашёларнинг эскириши.

1.1.3 Сотиб олинадиган, келгусида ушбу ҳужалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар.

1.1.4. Ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек ҳужалик юритувчи субъектнинг ички таркибий булинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли булмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характериға эға бўлган ишлар ва хизматларға маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хом ашё ва материалларға ишлов бериш, истеъмол қилинаётган ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технолгик жараёнларға риюя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Ҳужалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хом ашё, материаллар, инструментлар, деталлар, танаворлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан цехға келтириш ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборға келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятиға эға бўлган хизматларға тегишли бўлади.

1.1.5. Табиий хом аше (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалға ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тулаш), илдизи билан бериладиган дарахтға ҳақ тулаш, саноат корхоналари томонидан сув ҳужалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинадиган сув учун ҳақ тулаш. Саноатнинг хом ашё тармоқлари учун - ёғоч-тахта материаллардан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишға ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф муҳитни тиклаш харажатлари.

1.1.6. Технолгик мақсадларға, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришға, биноларни иситишға сарфланадиган ёнилгининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, ҳужалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришға хизмат курсатиш бўйича транспорт ишлари.

1.1.7. Ҳужалик юритувчи субъектнинг технолгик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва ҳужалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. (Ҳужалик юри-

тувчи субъектнинг узи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади).

1.1.8 Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва улардан ортикча йукотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши.

1.1.9. Хужалик юритувчи субъектнинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага кирази) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар).

1.1.10. Хужалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматида киритилади.

1.1.11. Маҳсулот таннархига киритилладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати ва идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кириш қилиниши нархи буйича чиқариб ташланади.

1.1.12. “Моддий харажатлар” элементи буйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан бартер битишувларида, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, транспортда ташишга ҳақ тулашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тулашдан келиб чиқиб шаклланади.

1.2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади.

1.2.1. Хужалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тулаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чи-

киб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи шу жумладан бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар.

1.2.2. Касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар.

1.2.3. Иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

1.2.3.1. Технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

1.2.3.2. Кун сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат курсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

1.2.3.3. Ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

1.2.3.4. Алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда утадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақиға, ҳужалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган найтидан бошлаб шу жойға қайтиб келган найтигача туланадиган йўлда утган ҳар бир сутка учун туланадиган устамалар;

1.2.3.5. Қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажаришган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

1.2.3.6. Доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача утадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

1.2.3.7. Меҳнатга ҳақ тулашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан район коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жой-

ларида ишлаганлик учун коэффицентлар билан белгиланган туловлар;

1.2.3.8. Хужалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктдан) иш жойига ва орқага қайтадиган йулда утадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек ходимларнинг метеорология шароитларига кура ва транспорт ташкилотларининг айби билан йулда тутилиб қолинган кунлар учун тариф · ставкаси, оклад миқдорида туланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда).

1.2.4. Иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вакти жамлашиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари, учун ҳақ тулаш.

1.2.5. Ишланмаган вақт учун ҳақ тулаш:

1.2.5.1. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллер, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллер учун компенсациялар, усмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек тиббий куриклардан утиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тулаш.

1.2.5.2. Мажбурий таътилда булган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тулаш;

1.2.5.3. Донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейини бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тулаш;

1.2.5.4. Давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тулаш.

1.2.6. Хужалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тулаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хужалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради.

1.2.7. Белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тулаш фондига кири-

тиладиган туловларнинг бошқа турлари.

1.3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар

Ижтимоий суғуртага ажратмаларга қуйидагилар киради:

1.3.1. Қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тулаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар.

1.3.2. Нодавлат пенсия жамғармаларига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

1.4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоллий активлар амортизацияси

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоллий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

1.4.1. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш), лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради.

1.4.2. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоллий активлар эскириши ҳар ойда ҳужалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (бирок ҳужалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли булади. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони булмаган номоллий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобида белгиланади, бирок ҳужалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.

1.5. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари 1.1, 1.2, 1.3, 1.4-бандларда келтирилган харажатлар элементлари бўйича ажратилади.

1.5.1. Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари.

1.5.1.1. Ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари.

1.5.1.2. Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник куриқ ва қаров, ўртача, жорий ва мукамал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, уртача, мукамал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тулаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.

Зарурат бўлганда, айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан мукамал тузатиш ишларини ўтказиш учун маблағлар заҳирасини ташкил қилишлари мумкин. Ушбу заҳирага ажратмалар “Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар” элементи таркибида акс эттирилади ва кузда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объектини мукамал тузатишларнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Заҳирага ажратмалар нормаси ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарурат бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўнайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар мукамал тузатишга заҳира маблағлари суммаси ушбу объектни тузатишга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш киритилиши керак; агар ҳақиқий харажатлар заҳирадагидан ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма “Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар” элементи таркибида акс эттирилади.

1.5.1.3. Ёнгиндан сақлаш ва куриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа маҳсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари.

Идорадан ташқари куриқлаш харажатлари бундай куриқлаш мавжуд бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга маҳсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилиши мумкин.

1.5.1.4. Ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар.

1.5.1.5. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондлар-

ни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, шу жумладан ифлослантирувчи моддаларни йул қуйиладиган нормалар доирасида ва ундан ортиқча атроф-муҳитга чиқарганлик учун тўловлар.

1.5.1.6. Ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари.

1.5.1.7. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни муҳофаза қилиш тadbирлари.

1.5.1.8. Текин курсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига озиқ-овқатлар қиймати, хужалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тулаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси).

1.5.1.9. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан формали кийим-бош, махсус овқатлар) (ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси).

1.5.1.10. Ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат курсатиш харажатлари.

1.5.1.11. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий қуриқдан утказганлик учун тиббий муаассасаларга ҳақ тулаш.

1.5.2. Ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича нормалар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар.

1.5.3. Ишлаб чиқариш ишчиларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари.

1.5.4. Брак туфайли келиб чиқадиган йукотишлар.

1.5.5. Ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига қура бекор туришлар туфайли йукотишлар.

1.5.6. Кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари.

1.5.7. Маҳсулот (хизматлар)нинг мажбурий сертификация қилиш харажатлари.

1.5.8. Ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз туланидиган нафақалар.

1.5.9. Умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

2. Давр харажатлари

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Қуйида 2-банд бўйича санаб утилган барча харажатлар харажатларнинг комплекс моддалари ҳисобланади ва уларни ҳисобга олиш мазкур Низомнинг 1.5-банди муқаддимасида кўрсатилганидек харажатлар элементлари бўйича ташкил этилади.

“Давр харажатлари”га қуйидаги моддалар киради:

2.1. Сотиш харажатлари

2.1.1. Товарларни темир йул, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё транспортида ва от-уловда ташиш харажатлари. Ушбу моддага ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун туланган жарималар киритилади.

2.1.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишлари харажатлари, шу жумладан:

2.1.2.1. Низомнинг 1.2-бандида санаб утилган, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари, маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари.

2.1.2.2. Низомнинг 1.3-бандига мувофиқ 2.1.2.1. бандга тегишли бўлган ижтимоий сўғуртага харажатлар.

2.1.2.3. Савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш ха-

ражатлари.

2.1.2.4. Низомнинг 1.4-бандига мувофиқ асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.

2.1.2.5. Санитария кийим-боши, ошхона дастурхон ва сочиклари, арзонбаҳо, тез эскирадиган буюмлар, ошхона идиш-товони ва анжомлари эскириши.

2.1.2.6. Газ, ёкилги, электр энергияси харажатлари.

2.1.2.7. Товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари.

2.1.2.8. Савдо рекламаси харажатлари.

2.1.2.9. Ташқи, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг норма доирасида ва ундан ортикча йукотилиши.

2.1.2.10. Ураш-жойлаш материаллари харажатлари.

2.1.2.11. Мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари.

2.1.2.12. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари.

2.1.2.13. Вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, туйнуқлар, уйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ўраш бўйича жорий (номукамал тусдаги) харажатлар.

2.1.2.14. Махсус кийим- бош ва махсус пойабзалнинг эскириши.

2.1.2.15. Махсус кийим-бош ва махсус пойабзал ва якка тартибдаги ҳимоянинг бошқа воситалари ювилганлиги, тузатишганлиги ва дезинфекция қилинганлиги учун кир ювувчилар, тузатувчилар ва бошқа юридик шахсларга ҳақ тўлаш.

2.1.2.16. Махсус кийим-бош ва пойабзални ювиш ва тузатишга сарфланган материаллар қиймати.

2.1.2.17. Умумий овқатланиш ва савдо ходимлари тиббий куриқдан ўтказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳақ тўлаш.

2.1.2.18. Касса ҳужалигини ва тушум инкассациясини юриштиш чикимлари.

2.1.2.19. Умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз салфеткалар, қоғоз дастурхонлар, қоғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати.

2.1.3. Сотиш бозорларини ўрганиш бўйича белгиланган нор-

мативлар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар).

2.1.4. Юқорида санаб утилмаган сотиш буйича бошқа харажатлар.

2.2. Маъмурий харажатлар

Маъмурий харажатларга кўйидагилар киради:

2.2.1.1.2-бандда санаб утилган бошқарув ходимларига тегишли булган меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари.

2.2.2.1.3-бандда санаб утилган бошқарув ходимларига тегишли булган ижтимоий суғуртага ажратмалар.

2.2.3. Хизмат енгил автотранспортга ва хизмат микроавтобусини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.

2.2.4. Хужалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари.

2.2.5. Бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли булмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини сақлаш ва уларга хизмат курсатиш харажатлари.

2.2.6. Ижара, хизматлар кўрсатилганлиги учун алоқа узелларига ҳақ тулаш (АТС, уяли, йўлдош, пейжинг алоқа).

2.2.7. Шаҳарлараро ва халқаро телефон сузлашувлари учун белгиланган номативлар доирасида ва улардан ортиқча ҳақ тулаш.

2.2.8. Маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тулаш.

2.2.9. Маъмурий аҳамиятга эга булган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек эскириш (амортизация) харажатлари.

2.2.10. Юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари:

вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар.

2.2.11. Ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ булмаган мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш.

2.2.12. Бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш буйича белгиланган нормалар доирасида ва ундан ортиқча ха-



ражатлар.

2.2.13. Белгиланган нормалар доирасида ва ундан ортиқча миқдордаги вакиллик харажатлари.

2.2.14. Умумий овқатланиш корхоналари ва бошқаларга биноларни тескин бериш ва коммунал хизматлар қийматига ҳақ тулаш харажатлари.

2.2.15. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорни харажатлар, шу жумладан йул қўйиладиган нормалар доирасида ва улардан ортиқча ифлослантирувчи моддаларнинг атроф-муҳитга чиқарилганлиги (ташланганлиги) учун туловлар.

2.3. Бошқа операция харажатлари

Бошқа операция харажатларига қўйидагилар киради:

2.3.1. Кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун нормалар доирасида ва улардан ортиқча кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бундан мустасно.

2.3.2. Лойиха ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни бартараф этиш харажатларини қонлаш, шунингдек объект қошидаги омборгача транспортда ташиш чоғидаги ишкастланишлар ва бузилишлар, коррозияга қарши химоя иуқсонлари туйфайли келиб чиққан тафтиш харажатлари (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) ва шунга ухшаш бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бўлган юридик шахслар ҳисобига мазкур харажатлар чала ишлар, ишкастланиш ёки зарар қуриш учун жавобгар бўлган етказиб берувчи ёки бопиқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундирилиши мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади.

2.3.3. Маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тулаш.

2.3.4. Аудиторлик хизматларига ҳақ тулаш шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг қатнашчиларидан (мулкдорлардан) бирининг ташаббуси бўйича утказиладиган аудиторлик хизматларига ҳақ тулаш.

2.3.5. Узининг хизмат курсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларни сақлашдан зарарлар.

2.3.6. Саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларининг иш-

лаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ, булмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари.

2.3.7. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ булмаган ишлар (хизматлар)ни (шаҳар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш ва бошқа хил ишларни) бажариш харажатлари.

2.3.8. Компенсация на рағбатлантириш тусидаги тўловлар.

2.3.8.1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари.

2.3.8.2. Бирйўла туланадиган муқофотлар ва тақдирлашлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг узининг қарорига кўра кўн йиллик хизмати учун ҳақ тўлаш (натурадаги тўловлар ҳам шу жумлага киради), шунингдек, улар бўйича ижтимоий жамғармаларга ўтказилган суммалар.

2.3.8.3. Қонун ҳужжатларига ёки хўжалик юритувчи субъектнинг узининг қарорига мувофиқ мажбурий проғул вақти ёки паст ҳақ туланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш.

2.3.8.4. Вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган, ҳақиқий иш ҳақи миқдоригача қушимча ҳақ.

2.3.8.5. Асосий иш жойи бўйича ишчиларга, хўжалик юритувчи субъект ишни ва мутахассисларига улар ишдан ажраган ҳолда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақтда иш ҳақи тўлаш.

2.3.8.6. Икки ва ундан кўп болалари ёки ун олти ёшгача ногирон боласи булган аёлларга қонунчиликка мувофиқ қушимча меҳнат таътили ҳақини тўлаш.

2.3.8.7. Ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш.

2.3.8.8. Ходимларнинг (овқатланиши, йўл кираси, даволаниши ва дам олишга, экскурсия ва саёҳатларга йўланмалари, спорт секцияларида, тугаракларда, клублардаги машғулоти, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашиши, ходимларнинг шахсий обунаси ва истеъмоли ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўловлари) харажатларини қоплаш.

2.3.9. Иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган туловлар ва харажатлар:

2.3.9.1. Қонунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тулгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақани тулаш бўйича харажатлар.

2.3.9.2. Пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла туланадиган нафақалар.

2.3.9.3. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хужалик юритувчи субъектлардан уларнинг қайта ташкил этилиши, ходимлар ва штатлар сонининг қисқариши муносабати билан бушаб қоладиган ходимларга туловлар.

2.3.9.4. Ходимларга туланадиган моддий ёрдам.

2.3.10. Соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонди объектлари таъминотига (шу жумладан барча турдаги таъмирлаш ишларини утказишга амортизация ажратмалари ва харажатларни ҳам қўшган ҳолда) жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган нормативлар доирасидаги ва улардан кўпроқ харажатлар.

2.3.11. Вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари).

2.3.12. Банк ва депозитарий хизматларига туловлар.

2.3.13. Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соқлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар.

2.3.14. Бюджетга мажбурий туловлар, солиқлар, йиғимлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ туланадиган ва хужалик юритувчи субъект харажатларига қўшиладиган махсус бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар.

2.3.15. Зарарлар, жарималар, пенялар:

2.3.15.1. Бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича йўқотишлар.

2.3.15.2. Моддий бойликларнинг табиий йўқолиши тор-

малари доирасидаги ва нормалардан кўпроқ, бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган йўқотишлар ҳамда камоматлар.

2.3.15.3. Ишлаб чиқариш заҳираларини ва тайёр маҳсулотни энг паст баҳолаш усули ёки сотишнинг соф қиймати бўйича қайта баҳолаш ёки баҳосини пасайтириш натижасидаги зарарлар.

2.3.15.4. Идишларга дойр ишлар бўйича зарарлар.

2.3.15.5. Суд харажатлари.

2.3.15.6. Туланиши шубҳали қарзлар бўйича заҳирага ажратмалар.

2.3.15.7. Қонунчиликка мувофиқ даъво биддириш муддати ўтган ва ундириш нореал бўлган бошқа қарзлар бўйича дебиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан қўрилган зарарлар, шунингдек қонунчиликка мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича туланиши шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқаришдан қўрилган зарарлар.

2.3.15.8. Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар операциялари бўйича қўрилган зарарлар.

2.3.15.9. Табиий офатлар (ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ва бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи ва бошқалар туфайли йўқотишлар) туфайли қўрилган қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш ёки оқибатларини баргараф этиш билан боғлиқ харажатлар.

2.3.15.10. Айбдорлари аниқланмаган уғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда қўрилган зарарлар.

2.3.15.11. Ҳужалик юритувчи субъект томонидан уч ва ундан кўп йил мобайнида ишлатилган асосий воситаларни сотишдан қўрилган зарарлар, ҳужалик юритувчи субъектнинг, бошқа мол-мулкни (активларини) сотишдан қўрилган зарарлар, шунингдек ҳужалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулклари (активлари)нинг ҳисобдан чиқарилиши, текин берилиши ва бошқача йўқ бурилишидан қўрилган зарарлар.

2.3.15.12. Ҳужалик шартномалари шартларининг, шу жумладан маҳсулотни етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан

бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида туланмаган туловлар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек етказилган зарарларни тулаш буйича харажатлар.

2.3.15.13. Солиқ қонуни ва бошқа қонунларни бузганлик учун жарима ва пенялар.

2.3.15.14. Туланган бошқа жарималар.

2.3.15. Бошқа харажатлар.

2.4. Ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлари

Ушбу бўлимда сармоя билан таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган ва сармоя билан таъминланадиган асосий воситалар қийматига қўшилмайдиган харажатлар санаб ўтилган.

2.4.1. Хужалик юритувчи янги субъектлар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни ўзлаштиришга харажатлар:

2.4.1.1. Машина ва механизмларнинг айрим турларини яқка тартибда синаб қуриш ҳамда барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни уларнинг урнатилиш сифатини текшириб қуриш мақсадида (ишлатилмаётган ҳолатда) комплекс синаб қуриш.

2.4.1.2. Асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарган заводлар ёки уларнинг топшириғига биноан ихтисослаштирилган корхоналар томонидан амалга ошириладиган шефмонтаж.

2.4.1.3. Қуриладиган корхона дирекциясининг, дирекция бўлмаган тақдирда - техник назорат гуруҳининг харажатлари (маъмурий харажатлар), шунингдек хужалик юритувчи янги субъектлар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш билан боғлиқ харажатлар.

2.4.1.4. Янги ишга тушириладиган хужалик юритувчи субъектларда ишлаш учун кадрлар тайёрлашга харажатлар.

2.4.2. Янги технологияларни яратиш ва қўлланаётган технологияларни такомиллаштириш буйича, шунингдек илмий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар сифатини ошириш буйича харажатлар.

2.4.3. Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳам-

да такомиллаштириш буйича харажатлар.

2.4.4. Серияли ва кенг қўламда чиқариладиган маҳсулотлар янги турларини ишлаб чиқаришни ҳамда технологик жараёнларни тайёрлаш ва узлаштириш харажатлари.

2.4.5. Қонунчиликка мувофиқ ишчи кучлари қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар.

2.4.6. Ихтирочилик ва ишлаб чиқариш тусидаги рационализаторликка, тажриба-синов ишларини ўтказиш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифлар буйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаб куриш, ихтирочилик ва рационализаторлик буйича кўргазмалар ва куриклар, танловлар, сертификатлашни ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлик мукофотларини тулаш ҳамда бошқа харажатлар.

2.4.7. Қазилмаларни қазиб олиш соҳаларидаги тайёргарлик ишлари харажатлари, агар улар капитал харажатларга тааллуқли бўлмаса (яъни асосий фондлар сифатида сармоя билан таъминланмаса).

2.4.8. Хужалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш линияларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.

3. Молиявий фаолият буйича харажатлар

3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари доирасида ва улардан юқори доирада қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли кредитлар буйича, шу жумладан тўлов муддати ўтган ва ўзайтирилган ссудалар буйича тўловлар.

3.2. Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) буйича фоизларни тулаш харажатлари.

3.3. Чет эл валютаси билан операциялар буйича салбий курс тафовутлари ва зарарлар.

3.4. Сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар.

3.5. Ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва таркатиш билан боғлиқ харажатлар.

3.6. Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт.

4. Фавқулодда зарарлар

Фавқулодда зарарлар - бу ҳужалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва руй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар моддаларидир. Бунга фавқулодда моддалар ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак булган утган давр моддалари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қўйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги ҳужалик фаолиятига хос эмаслик;
- бир неча йил мобайнида тақрорланмаслиги керак;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.

Тегишли моддаларни фавқулодда харажатларга киритиш ёки киритмаслик туғрисида қарорлар қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар ҳужалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган булса, у ҳолда - иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай туриб қолишлар фавқулодда деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда “бир неча йил мобайнида тақрорланмаслиги керак” мезонига жавоб бермайди.

В. Ҳужалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш —ҳужалик фаолияти натижасида олинадиган даромад— лар рўйхати

Ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг ҳужалик фаолиятини амалга ошириши натижасида олинадиган даромадлари ҳисоботга қўйидаги асосий бўлимлар буйича киритилади:

- Сотишдан олинган соф тушум.
- Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари).
- Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар.
- Фавқулодда даромадлар.

1. Сотишдан олинадиган соф тушум

1.1. Сотишдан олинган соф тушум маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни сотишдан олинган, ундан қушилган қиймат, акциз со-

лиги ва экспорт бож пошлинаси, чегирилган тушум сифатида аниқланади. Унга товарларнинг қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

1.2. Экспорт фаолиятини амалга оширувчи хужалик юритувчи субъектлар, даромад (фойда) ни амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисоблаб чиқарадилар.

1.3. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни сотишдан тушум бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадлар

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

2.1. Ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида туланмаган қарзлар ва хужалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек етказилган зарарларни ундириш буйича даромадлар.

2.2. Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фонда.

2.3. Ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хужалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар.

2.4. Хужалик юритувчи субъектнинг асосий фондларини ва бошқа мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар.

2.5. Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

2.6. Товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш.

2.7. Давлат субсидияларидан даромадлар.*

2.8. Холисона молиявий ёрдам.

2.9. Бошқа операцион даромадлар.

3. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга қуйидаги-

* - солиқ солишда ялпи даромадга киритилмайди

лар киради:

3.1. Олинган роялтилар ва сармоя трансферти.

